

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 27 (65903)  
1996 йил, 24 апрель, чоршанба

Сотувда  
эркин нархда

## ВАТАН НОМИН

Китоб уқишга берилиб кетибман. Шу пайт акам Сардорнинг ҳаяжон билан «урре» дейишидан чучиб тушдим.

— Қурқиб кетдим ака? — дедим унга бақиргудек булиб.

— Қойил, бизнинг узбек паҳлавонларидан 47 нафари Атлантага бориш ҳуқуқини қулга киритибди. Яна 20 нафари XXVI ёзги олимпия уйинларида қатнашиш учун курашмоқда.

— Буларни қасрдан билдингиз?

— Спортга қизиқсанг биласанда. Йўқ, фақат қизиқиш эмас, ахир узинг уйлагин, бизнинг Ўзбекистонимиз спортчилари Ватан номида Америкага боради, у ердан олган совринларини ҳам шу ерга — Ўзбекистонга олиб келишади.

Акамнинг сузларидан юрагим

нинг аллақаси гурурга тулгандек бўлди. Негадир ундан яна куп нарсаларни сурагим келди.

— Мана, ўқи, — деди у қулимга газета тутқазиб. — Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов олимпиадага тайергарлик хусусида сузлаб берган.

Уқидим. Қайта-қайта ўқиб чиқдим. Ундан мамлакатимизда йирик халқаро спорт мусобақаларини утказиш буйича яхшигина тажриба тулланганини, бу эса истиқлолнинг яна бир инъоми эканлигини, Тошкентда утказилган Осие чемпионати, Лиллехаммердаги қишқи олимпия уйинлари, Президентимизнинг халқаро Олимпия қўмитасининг Олтин ордени билан мукофотлангани ҳақида ҳам хабардор бўлдим. Тўғри, бу ҳақда илгари ҳам эшитганман, лекин бари-



Atlanta 1996

Юртим  
паҳлавонлари  
Атлантага  
боради

## ДИЛГА ЖО ҚИЛИБ...

бир одамнинг вужудини фахр, гурур эгаллар экан бундай воқеалардан.

Атлантага бориш ҳуқуқини қулга киритганлар орасида Светлана Мунькова, Анвар Кучмуродов, Рамил Ганиев, Наримон Отаев, Дилшод Ербеков сингари етти боксчи, дзюдочи, беш нафар оғир атлетикачи, уч нафар гимнастикачи, қилчбозлар ва бошқа спорт турлари усталари бор экан. Улар дуненинг 197 мамлакати вакиллари билан бирга майдонга тушиб, биринчи марта уз Ватани шаънини ҳимоя қилишади. «Шу нарсани таъкидлаш лозимки, — дейди Б. Махситов, — улар бугунги кунда фақат Атлантадаги мусобақаларда иштирок этиш йўлланмасини қулга киритиш учунгина курашмаяпти. Спортчиларимизнинг ҳар бири Ватанига соврин билан қайтиш ния-

тида, десам муболага булмайди. Республикаимиз Президенти ва мамлакатимиз раҳбарияти курсатаётган гамхурликка фақат шундай кайфият ва интилиш билан жавоб бериш, Ватанимиз довруғини оламга ёйиш мумкинлигини спортчиларимиз тегаран ҳис этиб турибди».

Газетани куйиб Сардор акамга қарадим. У инглиз тили мутолаасига қаттиқ берилиб кетганди. Биз, мустақил юрт фарзандлари нақадар бахтлимиз, дея қичқиргим келди шу тобда.

Ана шунақа. Алпомиш келбатли акаларимиз, пижоати Ойбарчинга тенг опаларимиз Ватан номин дилга жо қилиб Атлантага борадилар. Омад ёр булсин уларга.

**Камола КАМОЛОВА,**  
Тошкентдаги 110-мактаб ўқувчиси.

— Бу арча, арча дарахти, — деб чуғурлашди болалар.

— Тўғри, арча ҳам баргини тукмайдиган дарахт. Лекин қишин «езин баргларини алмаштирмайдиган дарахт — бу хурмо, — деди 3-синф ўқувчиси Дилноза.


— Дилноза ҳамма нарсани билади-я, — мактабдош дугоналари ҳавас билан қарашди унга.

Чиндан ҳам Дилноза Анварова куп нарсани билади. У синфда аълочи, жамоатчи қиз.

Табиатни севиб, авайлашни уларнинг жажжигина қалбларига етказа олаётган табиатшунослик тўғараги раҳбари, халқ маорифи аълочиси 3-«Е» синф ўқувчиларининг сеvimли опажониси Рихси опа Саидаминбекованинг хизматлари катта буляпти.

Иссиқ хоналарда тажриба ишларини олиб боришда Дилноза билан биргаликда Азиз Юнусов, Жамшид Юнусов каби ўқувчилар фаол иштирок

ри спорт залида утади. Ўқувчиларни соғлом, бақувват, баркамол булиб усишларига мактаб маъмурияти катта аҳамият беради. Бошлангич синф ўқувчилари учун алоҳида спорт залини ажратишган. Ҳамиша гавжум булган бу спорт залида болалар гимнастика машғулотлари, қул тупи, футбол каби уйинларни севиб уйнашади. Улар учун эса керакли спорт анжомларининг барчаси етарли. Айниқса, Ҳа-



## БАРГ ТЎКМАЙДИГАН ДАРАХТНИ БИЛАСИЗМИ?



Шу билан бирга мактабдаги «Табиатшунослик» тўғарагининг фаол аъзоси.

— Биз бир йиллик усимликларни, масалан, лола, пиёз, райхон кабиларни куп йиллик қилишни тажрибадан утказаямиз, — дейди Дилноза. — Буларни қишда ҳам устириш мумкин, — деб чиройли усиб турган кукатларга ишора қилди. — Хурмо дарахтини уусусиятини ҳам уз тажрибаимизда аниқладик.

этишади. Болалар айна пайтда новдаларни ҳам кукартиришяпти. Узлари учун ажратилган томорқаларини яна ҳам чиройли боғга айлантириш ниятидалар.

### ТАНИ СОҒЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Малика-ю, Сайералар, Наргиза-ю Азизаларнинг энг сеvimли машғулотларидан бири гимнастика билан шугулланиш. Уларнинг буш вақтла-

мида опа Тулаганова раҳбарлик қилаётган 3-«А» синф ўқувчилари жисмоний тарбия фанини жуда яхши куришади. Ҳамида опа сингари муаллималар ҳам улар онгига «тани соғлик — туман бойлик» эканлигини, шунинг учун ҳам спорт билан шугулланиш кераклигини сингдира оладилар.

### БЕШ ОЙДА УРГАНИБ ОЛДИК

«Сиз нимани тушунмасангиз, у сизга бегона», дейди И.Гете. Малика опа ҳам уз ўқувчиларига лотин ёзувида асосланган узбек алифбосини ургатар эканлар, албатта тушуниб ёзишни ва уйин методикасидан фойдаланишни маслаҳат берадилар.

Маълумки, келаси йили бошлангич синфдан лотин алифбосига утилади, дейишяпти. Аммо бу мактаб ўқувчилари лотин ёзувида бемалол диктант ҳам ёза оладилар.

— 3-синфдан бошлаб тарбиявий соатларда лотин алифбосини қизиқиб ургана бошладик. Агар қизиқса, турт, беш ойда лотин алифбосини урганса булар экан; — дейди 4-«Д» синф ўқувчиси Муҳайе Тошпулатова. — Мана биз дугоналарим билан беш ойда лотин алифбосини урганиб

олдик.

Сизнинг бу тенгдошларингиз шаҳримизнинг Акмал Икромов туманидаги 123-мактабда ўқишади. Мактабда математика, адабиёт, инглиз тили каби дарслар чуқур ургатилади. Уларга тажрибали ўқитувчилар сабоқ берадилар. Мактабда ундан ортик халқ маорифи аълочиси, ун бешга яқин меҳнат фахрийси, ун бешдан ошиқ олий тоифали, анчагина маориф фидойиси ўқувчиларнинг билим олишларида уз хизматларини аямайдилар.

Суратда: мактаб ҳаётидан лавҳалар.

**Феруза ОДИЛОВА**  
**Р. АЛЬБЕКОВ** олган сурат.



# Кушга, Умиджон!



Миллатим муборак, сента истиқлол,  
Байрогинг остида эркин нафас ол.  
Гулласин, яшнасин, бахт ва иқболинг,  
Жаҳонда хурлигинг бирла мангу қол,  
дея кушиқ куйлайди жажжи Умиджон завқу шавққа тулиб. «Ўзбекистон — Ватаним маним» кушиқлар курик-танловига атаб тайёрлаб келган «Истиқлол муборак» кушигини худди катта санъаткорлардек зур маҳорат билан, юракдан меъерига етказиб ижро этди. Унинг кушиги танлов ҳакамлари томонидан ижобий баҳоланди. Умиджон танловнинг энг ёш иштирокчиси сифатида мустақил республикамизнинг 5 йиллигига бағишлаб утказилаётган республика курик-танловига йулланма олди.

Санъат оламига эндигина қалам қуяётган Умиджон вилоят курик-танловидан бир олам қувонч билан қайтди. Унинг ютуғидан шодланган ота-она ҳам уларини қуярга жой топишолмасди. Утган йили вилоятда утказилган анъанавий машрабхонлик кунларида уз кушиқлари билан қатнашган Умиджоннинг номи нафақат вилоятда, балки кушни вилоятларда ҳам танила борди. Утказиладиган турли тadbирларнинг доимий иштирокчисига айланди.  
Ёш кушиқчи Умиджоннинг камолотида унинг отаси — Маҳмуджон Ҳайитмирзаевнинг хизмати катта. Маҳмуджон ака угли таҳсил олаётган 32-мактабда мусиқа фанидан сабоқ беради. Уқувчиларда мусиқа фанига қизиқиш ва ҳавас уйғотиш борасида тинмай изланади. Узи шеърлар ёзиб, уларга куй басталайди. Уғлидаги санъатга бўлган қизиқишни пайқаб, у билан алоҳида шуғуллана бошлади. Мусиқани тинглай билиш, кушиқ шеърининг матнига аҳамият бериш, уни меъерига етказиб ижро этиш ва бошқа жараёнларни ургага борди. Умиджоннинг ёшига

мослаб шеър ёзди, унга куй басталади. Машқ қилиб куришди — чакки эмас. Шутарика Умиджоннинг репертуаридан жой олган 30 га яқин кушиқлар яратилди. Умиджон севиб куйлайдиган «Куз», «Узурим бор», «Тилим куйди», «Бойчечак» «Она Туркистон», «Гулбаҳор» каби кушиқларининг муаллифи ҳам отаси — Маҳмуджон ака.  
Умиджон узи-узи, кичик укалари Жамшид ва Жасурбеклар қалбида ҳам санъатга меҳр уйғота олди. Ҳозирда улар ҳам бинойидек кушиқчи, синглиси Гулмирахон эса раққоса.  
Ёш санъаткор кейинчалик туман марказидаги 1-урта мактабнинг Асадулло Обилов раҳбарлик қилаётган мусиқа тугарагига ҳам қатнай бошлади. Мақзур тугарақта 50 дан зиёд санъат ихлосмандлари шуғулланишади. Мактаб қошидаги «Орзу» дастаси туман, вилоятда утказиладиган тadbирларнинг фаол иштирокчиси.  
— Шогирдим Умиджон эндигина 4-синфда таҳсил оляпти, — дейди 1-мактаб мусиқа фани уқувчиси Асадулло Обилов. — Лекин унинг қулга киритган ютуқлари жуда катта. Бунинг асосий омили — Умиджоннинг эслаб қолиш қобилиятининг

## «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқлар кўрик-танлови

кучлилигида деб уйлайман. Шунингдек, ёшига нисбатан овоз diapпазонининг баландлигида. Умиджон мактабимиз-

ган «Она Туркистон» кушигини ижро этмоқчи. Отасининг ҳам, устозларининг ҳам ёш санъаткор Умиджондан умидлари катта.



нинг 3-синф уқувчиси, раққос тугараги қатнашчиси Зулайхо Мамадалиева билан ижодий ҳамкорликда яратган «Гулбаҳор» кушиги ҳар иккисига ҳам катта муваффақият келтирди.  
Айни кунларда Умиджон Ҳайитмирзаев Республика курик-танловига қизгин ҳозирлик қуришти. Танловда узи сев-

нинг ҳам ёш санъаткор Умиджондан умидлари катта.  
**М.КОДИРОВ,**  
**Наманган вилояти, Уйчи тумани**  
Суратда: Умиджон Ҳайитмирзаев устозлари кўмагида янги кўшиқ ўрганипти.  
**А. ЮСУФБОЕВ тасвири.**

## ОЙМОМОННИНГ ҚИЗИМИЗ

Саида бугун ҳар кунгидан барвақт мактабга отланди. Мактабга кираверишда уни мусиқа муаллимаси Азиза Турсунқулова ва дугоналари Ёқугой, Шоҳида ва Хуршида кутиб туришарди. Биргаллашиб мусиқа хонаси томон йул олишди. Мактабда бир ҳафтадан буён давом этаётган тайёргарлик авжида. Уқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам фаол бўлган бу турт дугона мактабларида утказилган «Илҳом чашмалари» курик-танловининг голиби булиб, туманда утказиладиган 2-тур курик-танловига йулланма олдилар. Тайёргарликни сусайтирмаслик бу — янги-янги ютуқлар гаровидир, — дейди мусиқа муаллимаси Азиза опа қизлар кушигига гармонда жур буларкан:

Осмоннинг юлдузимиз,  
Оймомонинг қизимиз.  
Сизга жуда йироқмиз,  
Олам-олам чироқмиз.

Юлдузлармиз, юлдузлар,  
Дам оламиз кундузлар.

Янгийул туманидаги 15-мактабнинг уқув зали чиройли қилиб безатилган. Ушбу даргоҳда утказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» курик-танловига жуда кўплаб иштирокчилар жам бўлишган. Бошловчи кечани очик деб эълон қилиб, тумандаги 55-та мактабдан келган танлов иштирокчиларини саҳнага таклиф этди. Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир мактаб уқувчиларининг «Ўзбекистон — Ватаним маним» курик-танловига атаб тайёрлаган дастурларини диққат билан кузатиб борди.


Қозоқбой Абдуллаев номли 3-мактабнинг 1-синф уқувчилари Саида Нажимова, Ёқугой Алимова, Хуршида Тулаганова, Шоҳида Алимовалар ҳам «Соғлом авлод» кушиги билан қатнашиб, танловнинг фаол иштирокчилари деган юксак номга ва фаҳрий ёрликларга сазовор бўдилар. Санъатни чин дилидан севган бу дугоналар танловдан катта таассурот билан қайтдилар. Мактаб директори Маҳкам ака Урмоновнинг раҳматномаси, синф раҳбари Муаттар Қозоқбоевнинг «Баракалла, кушиқчи қизларим» дея эркалаб суйишлари қизлар кунглини тоғдек қутариб юборди. Санъаткор қизлар қалбига мусиқа сирларини, оҳанглариини жо қилаётган мусиқа муаллимаси Азизахон кузларидан эса шогирдларидан мамнунлик сезилиб турарди.

**Н. ДАВИДОВА.**

Суратда: «Илҳом чашмалари» кўрик-танловининг голиблари мусиқа муаллимаси Азиза Турсунқулова билан.



### Бу ажиб дунё



## ОШҚОЗОНМИ ЁКИ ТЕГИРМОН?

Фарангистоннинг Гренобл шаҳрилик Мишел Лотито/1950 йилда туғилган/ илк бор темир ҳамда шишанинг таъмини тотиб курганида 9 ёшда эди. Шундан бери у темир, шиша синиги ва пластмасса чайнайди. Унинг ошқозони кунига 900 граммга яқин темир еки шишани ҳам қилишга қодир. 1966 йилдан бу ёгига у жами унта велосипед ва еттига телевизорни еб туширди. Дуконларда харид қилинган молларни ташиш учун аравагани еб туғатишга эса 4,5 кун сарфлади. Венесуэла пойтахти саналмиш Каракас шаҳрида бир қанча гувоҳлар шоҳидлигида «Сесна» дея аталувчи енгил самолётни қисмларга булиб ҳам қилиб юборди. Ниҳоят, овқатдан сунг тортиладиган мева тариқасида катта бир тобутни еб туширдикки инсон инсон булиб бунақасини курмаган, эшитмаган: бир тасаввур қилинг-а, одамзот тобутнинг ичига эмас, тобут одамзот ичига тушган!...

Рухий хасталикнинг антиқа тури билан бетоб канадалик Х. хоним воқеаси айниқса қизик. Унинг одати нимаики буюм учраса, дарров озгина тиқиб ютиш бўлган. 42 ёшида аёл қорни тинимсиз санчиб оғришдан нолиган. 1927 йилнинг июль ойида Онтарио шаҳрида Чок ва Фукар исмли жарроҳлар томонидан аёлнинг қорни ериб қурилган. Ошқозондан жами 2533 дона буюм, шу жумладан 947 та тугноғич чиқариб олинган.

Худди шунга ухшаш воқеа 1985

## «НАФСИМ ЎЛГУР БАЛОДИР»...

Йилнинг май ойида ҳам содир бўлди. Жанубий Африканинг Кейптаун шаҳридаги «Гроот Шуур» касалхонасига оғир аҳволда келтирилган эркакнинг ошқозонидан 212 дона буюм топилиди. Ушбу буюмлар орасида 53 та тиш ювадиган чутка, 2 та телескоп антеннаси, 2 та устара ва 150 дона бир марта фойдаланиладиган соқол олиш мосламаси бор эди.

АҚШ да эса жуда аломат воқеа содир бўлган: 24 яшар руҳан хаста аёлузунлиги 12,7 сантиметрли эшик лүкидонини ютиб юборган. Қизиги шундаки, темир лүкидон аёлнинг ун икки бармоқли ичагидан бемалол утиб, ошқозон ҳамда овқат ҳам қилувчи бошқа ичақлардан ҳам йул топиб тушган ва утирган чинни тувакни чил-чил қилган.



Зубайда хола уйга меҳмон келади, деган хабарни эшитиши билан типирчилаб қолади. Эшик олдини бориб супуради. Уйга, ошхонага бир неча бор кириб чиқади. Буни курган келинлари одатдагидек унга суз қолади.

— Ойижон, сиз безовталан-

кулини ювди.

— Бувижон, мана оппоқ қиз бўлдим.

— Оппоқ қиз, меҳмонлар келганда нима дейди.

— Ашшалоуму алайкум дейди. — Нигина бувисига ярим букилди.

— Баракалло.

— Бувижон, сиз бойинг, узим тахлайман. Дадам сизни бу ерда курсалар хафа буладила.

— Маҳмадона булмагур, — хола унинг сочини силади.

Нигина бувисини етаклаб бо-риб курпачага утқазди.

— Сиз утийинг.

Бошқа набиралари биз-чи,

сузига ишонмай румоли билан унг юзини пана қилиб пойгакдаги оёқ кийимларини санаб чикди. Калишларни ажратиб олиб пой-пойи билан бир чеккага терди.

— Ие, — деди кейин, — буни-сининг бир пойи қаёққа кетди. Бирортаси алмаштириб оёғига илиб чиқмадим?

— Уйдан ҳали ҳеч ким чиққан-ни йук, — деди Нигина.

Зубайда хола невараси Садирни чақирди.

— Хой, буёққа ке, Садирхон.

— Нима дейсиз, — копток уйнаётган Садир бувисига қаради.

— Мана бу калишнинг бир пойи қани?

— Қайси калишни?

— Гапни куп чузма. Бу ишни фақат сен қиласан. Қаерда калиш курсанг ёғочнинг учига илиб, айлантириб, уйнаганингни куп курганман.

— Худо урсин...

— Бир пой калиш учун қасам ичма.

— Ишонмасангиз нима қилай?!

— Топ!

Зубайда хола набирасига ишонмай ҳовли юзини айланиб чикди.

— Ким яширди? — кампир набираларини бирма-бир сурокқа тутди.

— Хеч кимдан садо чиқмади. Зубайда хола калишни шолчанинг бир чеккасига қуйди.

Собир аканинг чиқишини кутди.

Куп утмай катта уйдан омин деган овоз эшитилди. Меҳмонлар бир-бирига йул бериб пойгакка чиқишди. Зубайда хола безовталана бошлади.

Собир акани имлаб бир нима демоқчи булганди, чоли у томонга қарамай дарвозахона сари юрди.

— Дадажониси, дадажониси...

Собир бува сунггида иккита қултиқтаёққа суянган муйса-

экан.

— Жим, — деди Зубайда хола муйсафид оёғидаги ҳалиги калишга кузи тушиши билан.

Иккала қултиқтаёғига суянган чол учига маржони бор калишни унг оёғига кийганича меҳмонлар уртасида борарди.

Нигина анграйганча улар изидан қараб қолди. Зубайда хола бир чеккада ҳумрайиб утирган Садирнинг бошини силаб, қулогини чузиб қуйди...

**Сафар БАРНОЕВ.**

**Ёзувчилар — болаларга**

фид чикди. У ҳам Нигина артган бир пой калишни унг оёғига илиб, остонадан ҳовлига қадам қуйди. Буни кузатиб турган қизча дарвозахонадан куз узмаётган бувисини туртди.

— Бувижон.

— Нима дейсан?

— Қаранг.

Зубайда хола набираси ишора қилган томонга қаради.

Нигина бувисининг қулогига шивирлади.

— Қаранг, бувижон. анави амакининг бир оёқлари йук



**Бувисининг**

**Унг Кули**  
(Хикоя)

манг, ҳаммаёқни чинни-чироқдай қилиб қуйганмиз.

Зубайда хола биламан дегандек эшикни ланг очиб қуйди. Кейин келинлари эшитавериб урганиб қолган гапини такрорлайди.

— Кунгли очикнинг эшиги доим очик булади. Қулфланганидан худо асрасин.

Яқинда яна шундай булди. Катта уғли уйга сим қоқди. Дадамнинг уртоқлари келади, катта уйга жой қилинлар деб гушакни урнига қуйди. Бу хабарни эшитгач, Зубайда хола қавиётган курпасини уй бурчагига тахлади. Катта келинини чақирди.

— Эшиттийизми, дадажонийизи уртоқлари келармиш.

— Эшитдик, ойижон, ҳозир ҳамма нарсани тахт қиламиз. Овсинларим ҳам ошхонада этак бойлаб туришибди.

Ойиси билан бувисининг сузларини эшитаётган Нигина уйнаётган коптогини чап биқинига қисиб, уларга яқинлашди.

— Бувижон, мен сизга қарашаман-а?

— Қарашасан, — жавоб берди Зубайда хола. — Фақат олдин қул-бетингни ювиб кел.

Нигина ҳовли уртасидаги водопровод жумрагини буради. Шилдираб оқаётган сувда юз-

Зубайда хола энди Нигинани эркалатмоқчи булганди, эшикда меҳмонлар куринди. Хола узини эшик орқасига олди. Меҳмонларни бошлаб келаётган Собир бува сас берди.

— Хой, уйда ким бор?

— Хуш курдик, дадаси, — эшик орқасида туриб овоз берди Зубайда хола.

Собир бува мийиғида кулиб қуйди. Холанинг хуш курдик дегани ҳамма нарса тайёр маъносини англатарди. Меҳмонлар бирин-кетин катта уйга киришди.

Зубайда хола ошхонага қараб йул олди. Бу орада бошқа набиралари қий-чувланиб кириб келишди. Уйда меҳмон борлигини сезган болалар бирдан жимиб қолишди. Орадан анча утгач, хола остона олдида узунқисқа булиб, қаторлашиб турган пойафзалларни жуфт-жуфти билан териб қуйишга киришди. Буни курган Нигина қулига латта олди-ю чопқиллаб келиб бувисининг енгидан тортиди.

дегандек бувисига қаради. Хола уларни бағрига босди.

— Бу гап Нигина бажарсин. Янаги меҳмон келганида сизларга буюраман. Уғил болаларга обдастаю сочиқ. Қизларга эса супириш-сидириш учун эшиклар очик.

Нигина куриб қуйинлар, бувижоним мени яхши курадилар ишорасини қилди.

Нигина қаторлашиб турган оёқ кийимларини битталаб арди. Пойафзалларни жой-жойига қуйиб борар экан, охириги калишга кузи тушиши билан хайрон булиб қолди. Атрофига қаради. Учига оқ маржон тикилган калишнинг бир пойи йук эди. Нигина шошиб бир пой калишни кутариб бувисининг олдига чопди.

— Бувижон, мана бунисининг бир пойи йук.

— Иккинчиси қани — суради Зубайда хола.

— Узи битта дедим-ку.

— Аралаштириб юбормадингми, болам.

— Йук.


Зубайда хола набирасининг

**БўЛАКЛАРГА АЖРАТИНГ**

Болалар! Шаклни шундай турга булакка ажратингки, уларнинг ҳар бирида биттадан айлана, ярим айлана, конус, квадрат, олги бурчак ва уч бурчак бўлсин.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.

**БЎШ ВАҚТЛАРДА**



**Уйлаб топ**

Мамлакатимизда қайта куриш жараёни бошлангунга қадар меҳнатта ҳақ тулашда ишнинг самарасига эмас, балки миқдорига қараб хулоса чиқарилаверарди.

Мана бир мисол: яйловдаги қуйлар учун бир неча қурувчилар бригадалари келишиб қуралар куриб беришди. Уларнинг барчасига 30 метрга етадиган девор учун материаллар берилганди. Купчилик қуралар 44 кв метрли — яъни

**НОШУДЛАР ВА ОМИЛКОРЛАР**

узунаси 11 м, эни 4 м. қилиб қурилгани ҳолда баъзи омилкор қурувчилар бу ҳажмни 50,54 кв, ҳатто 56 кв. метрли қилиб куришга эришдилар. Ҳолбуки, худди шунча материал билан 36,26 ва... 14 квадрат метрли кура қурганлар ҳам бор эди.

Қурувчиларга ҳақ тулашда эса масъулиятсиз ҳисобчилар бу тафовутларга эътибор беришмай биноларнинг томонлар йигиндиси (периметри)ни ҳисобга олишган холос.

Сиз 30 метрли девор билан сахни 56 кв. метрли кура куришган омилкорлар худди шунча девор билан сахни атиги 14 кв. метрлигина кура куришган ношудлардан неча барабар ортиқ жой тайерлашганини топа оласизми?

Периметри бир-биридан фарқ қилмайдиган юқоридаги турли қураларнинг томонлари (эни, буйи) неча метрдан?



**ТОНГ ЮЛДУЗИ**  
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир  
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:  
Наримон ОРИФЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,  
Марат ШАФИЕВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА,

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г -0198. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босилиш топириш вақти 19.00 Топирилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137  
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
• Телефон: 33-44-25

